O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

● 2005-yil ● 27-sentabr ● Seshanba ● 121 (27.456) ● www.uzbekistonovozi.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, қорақалпоқ пахтакорлари, деҳқонлари ва барча меҳнаткашларини бу йилги мавсумда эришган юксак меҳнат ғалабангиз билан — нафақат Қорақалпоғистон, балки бутун Ўзбекистон пахтачилиги тарихида биринчилар қаторида ғоят қисқа муддатда пахта тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятини бажарганингиз билан чин қалбимдан табриклайман.

Қорақалпоғистоннинг мамлакатимиз хирмонига 185 минг тонна юқори сифатли — биринчи сорт билан пахта хомашёси топширгани, бу йилги йиғим-терим мавсумида карвонбоши бўлиб сентябрь ойидаёқ белгиланган маррани эгаллашга эришгани — бу чиндан ҳам кўпчиликни ҳайратда қолдирган ютуқ, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўтган хўжалик йилини ҳам барча соҳаларда ёруғ юз билан якунлаган сиз, азизларнинг бу улкан ютуғингиз замирида ишни тўғри ташкил этиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида ҳал қилувчи куч бўлган фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш, эгалик ҳиссиёти, манфаатдорлик туйғуси билан яшаш ва меҳнат қилиш каби омиллар мужассам.

Мен куни кеча серҳосил далаларингизда бўлиб, сизларнинг оғир табиий шароитга қарамасдан амалга ошираётган ибратли ишларингизни, эзгу орзу-умидлар, келажакка ишонч билан яшаётганингизни кўриб, беҳад мамнун бўлдим.

Кейинги йилларда оғир синовларни, қурғоқчилик машаққатларини бошидан ўтказиб, шу заминни обод этиш йўлида сабот ва матонат фазилатларини, том маънода қаҳрамонлик намунасини намоён этиб келаётган қорақалпоқ элининг бугунги катта муваффақияти барчамизни, бутун халқимизни қувонтиради.

Азиз дўстлар!

Қорақалпоғистон меҳнаткашларининг турли соҳалардаги салмоқли ютуқларини эътироф этган ҳолда, ҳукуматимиз ва давлат идоралари, бунга мутасадди бўлган барча ташкилот ва жамоатчилигимиз томонидан мана шу ўта мураккаб табиий иқлим ва тупроқ шароитида яшайдиган инсонлар учун доимий ва барқарор даромад манбаларини яратиш ҳақида жиддий бош қотириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Шу мақсадда бу ерда саноат ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тадбиркорлик ва кичик бизнес, шу жумладан, катта имкониятларга эга бўлган чорвачилик каби тармоқлар ривожига алоҳида эътибор қаратишимиз даркор.

Мана шу қорақалпоқ заминига, ўз туғилиб ўсган ерига чексиз меҳр-муҳаббат ва садоқат кўрсатиб яшаётган аҳолининг ижтимоий ва коммунал эҳтиёжларини, авваламбор, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини, атроф-муҳитнинг экологик даражасини яхшилаш масаласига олдимизда турган энг муҳим вазифамиз, деб қарашимиз лозим.

Бугунги қувончли кунда мен сизларнинг ҳар бирингизни бағримга босиб, ҳалол меҳнат қилиб қўлга киритган юксак ғалабангиз билан яна бир бор самимий қутлар эканман, аввал айтган гапимни яна такрорламоқчиман: мен ўзимни нафақат ўзбек, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзанди, деб биламан ва бу билан доимо фахрланаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга қут-барака, ишларингизга янги омадлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

МАМЛАКАТДА БИРИНЧИ

БУ ЙИЛ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК ПАХТАКОРЛАРНИНГ КЎП ЙИЛЛИК ОРЗУ-УМИДЛАРИ ИЛК БОР СЕНТЯБРЬ ОЙИДАЁҚ УШАЛДИ: ШАРТНОМАВИЙ РЕЖА БАЖАРИЛДИ!

Мамлакатимиз Президенти шу йил 21 сентябрь куни Қорақалпоғистонга келганлари ва пахтакорлар билан учрашганларида бу йил республикада ҳар йилдагидан ҳам мўл ҳосил етиштирилганлигини кўриб, унинг бир мисқолини ҳам нест-нобуд қилмасдан йиғиб-териб олишга даъват этдилар. Даъват барчани кўтаринки меҳнат зафарларига чорлади. Бугун ҳудуднинг Амударё, Қораўзак, Тахтакўпир, Кўнғирот, Қанликўл, Чимбой, Кегайли, Шуманай, Хўжайли, Нукус туманлари далаларида катта меҳнат шодиёналари бошланди. Бундай шодиёналар эрта-индин Беруний, Тўрткўл, Элликқалъа туманларига ҳам таралади. Айниқса, Амударё тумани деҳқонларининг қувончи чексиз. Улар бу йил 40 минг тонналик хирмон яратишаяпти...

Энг муҳими, Қорақалпоғистон Республикаси меҳнаткашлари Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги пахта ҳосили — 185 минг тонналик шартномавий режасини ошириб адо этдилар.

Ўзбекистон Қаҳрамони Ағитай Адилов раҳбарлик қилаётган «Тахтакўпир», Ўскинбай Ўтегенов бош бўлган «Найман», Султон Камалов етакчилик қилаётган «Шўрахон» ширкат хўжаликлари ўз шартнома режаларини 106-126 фоиздан ошириб бажарган бўлсалар-да, шу кунларда ҳам кунига 3-3,5 фоиздан пахта топширмоқдалар.

«Қурбанбай сорт», «Айдаш-А», «Иззат Жуманиёзов», «Йўлдош Хайтбоев», «Рўзимбой бобо», «Ибрагимов Парахат», «Жуманов Раҳматилла» каби ўнлаб фермер хўжаликлари ҳақида ҳам шундай илиқ сўзлар айтиш жоиз.

Фермер хўжаликлари ҳосилнинг 80 фоизидан кўпроғини биринчи, 20 фоизини иккинчи навга топширишга муваффақ бўлишди.

— Яна 30 минг тонна пахта йиғиб олиб, ҳосилдорликни 205 минг тоннага етказишга ахд қилганмиз: — дейди **Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Фарҳод ЭРМАНОВ.** — Белгиланган режани 26 иш кунида бажаришга эришишимизнинг муҳим омилларидан бири — қишлоқда деҳқончилик маданиятини яхшилашга бўлган интилишимиздир. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойида 140 та ҳайдов трактори, 158 та чопиқ трактори, 15 та транспорт трактори, 100 дан кўпроқ культиватор, 36 та чигит экиш сеялкаси ва бошқа кўплаб қишлоқ хўжалик машиналари ширкат ҳамда фермер хўжаликларига барвақт етказиб берилди. Терим даврида унинг барча иштирокчиларига қулайликлар яратиб бердик. Иш ҳақи мунтазам тарқатиб турилди. Бугунгача 7 миллиард сўмдан кўпроқ пул маблағлари берилди. Ҳозирги хомаки ҳисоб-китобларимиз бўйича шу кунгача териб топширилган пахтамиздан 25 миллиард 70 миллион сўм соф фойда олишни кўзлаяпмиз. Бир сўз билан айтганда, бу йил қорақалпоқ деҳқонининг кўп йиллик орзу-умиди ушалди...

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Хўжайли туманидаги «Найман» ширкат хўжалиги жамоаси бу йил 1531 гектар пахта майдонидан 3200 тонна юқори навли ҳосил кўтариб, маррага Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб етиб келди.

Суратда: хўжаликнинг илғор пахтакори, «Дўстлик» ордени соҳибаси Қизларгул Жуманиёзова.

Бердиниёз АЛЛАШЕВ (ЎзА) олган сурат.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 26 СЕНТЯБРЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА РОССИЯНИНГ «ГАЗПРОМ» ОЧИҚ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ БОШҚАРУВИ РАИСИ АЛЕКСЕЙ МИЛЛЕРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

— Биз «Газпром»нинг ривожланишини диққат билан кузатиб келмоқдамиз, — деди Ислом Каримов. — У улкан салоҳиятга эга, истиқболи порлоқ компаниядир.

Ёқилғи-энергетика мажмуи Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги изчил ривожланиб бораётган савдо-иқтисодий муносабатларнинг муҳим бўғинини ташкил қилади. 2002 йилда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Газпром» ўртасида Газ соҳасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган. У 2012 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон газини харид қилиш, юртимиздаги газ конларини ўзлаштиришда иштирок этиш, газ-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, Ўрта Осиё газини мамлакатимиз ҳудуди орқали ташишни назарда тутади.

Ҳужжатга мувофиқ 2004 йилнинг 14 апрелида «Ўзбекнефтгаз» билан «Газпром»га қарашли «Зарубежнефтегаз» ёпиқ акционерлик жамияти ўртасида Шоҳпахта конини ўзлаштиришни якунига етказиш лойиҳаси бўйича Маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимга имзо чекилди. Унга биноан 2004 йилнинг иккинчи ярмида кондан газ олиш қайта йўлга қўйилди, компрессор станциясининг қурилиши ва инфратузилмани янгилаш ишлари тугалланди. Бунинг натижасида 2004 йилда 200 миллион куб метр газ қазиб олинди. Жорий йилда бу кўрсаткич 500 миллион куб метрга етказилиши кўзда тутилмоқда.

Стратегик ҳамкорлик битимига мувофиқ 2004 йилда Ўзбекистондан Россияга 7 миллиард куб метр газ экспорт қилинди. 2005 йилда бу кўрсаткич 10 миллиард куб метрга етиши мўлжалланмоқда.

«Газпром» билан Устюрт минтақасидаги газ конини ўзлаштириш, газ-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ҳам битимлар тузилган. Бу ҳужжатлар доирасидаги лойиҳаларнинг умумий қиймати 1,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

«Газпром» жаҳондаги йирик компаниялардан биридир. Дунёда қазиб олинадиган газнинг 20 фоизи, Россия газининг 94 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади. «Газпром» газ, нефть ва конденсатлар қазиб олиш ва қайта ишлаш, техника ва саноат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ўнлаб корхона ва компанияларни бирлаштирган. Унинг экспорт қиладиган гази Ғарбий Европа эҳтиёжининг 33, Шарқий Европа эҳтиёжининг 80 фоизини қоплайди.

Бундай йирик компания билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун ҳар томонлама фойдалидир. Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан «Газпром» ҳам манфаатдор. Компания мамлакатимизда газ қазиб олиш ва газ савдоси ҳажмини ошириш, соҳага сармоя жалб этиш, газ саноатидаги хусусийлаштириш жараёнида янада кенг иштирок этиш ниятида.

Оқсаройдаги учрашувда «Ўзбекнефтгаз» билан «Газпром» ўртасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон газ саноатини ривожлантиришда муҳим ўрин тутаётгани таъкидланди. А.Миллер самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

КУВАЙТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

Шу кунларда мамлакатимизда Кувайт Миллий ассамблеясининг (парламент) Ички ишлар ва мудофаа масалалари қўмитаси аъзоси Али Ҳамуд Мансур ал-Ҳажирий раҳбарлигидаги делегация меҳмон бўлиб турибди.

26 сентябрь куни меҳмонлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери Э.Халилов билан учрашди.

Кувайт — Ўзбекистоннинг Осиёдаги яқин ҳамкорларидан. Мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий соҳадаги дўстона алоқалар кенгайиб бормоқда. Президент Ислом Каримовнинг мазкур мамлакатга ўтган йилнинг январь ойидаги ташрифи ҳамкорлигимизни янги босқичга кўтарди. Кувайт Миллий ассамблеяси делегациясининг юртимизга ташрифи ҳам ўзаро алоқалар изчил ривожланиб бораётганидан далолатдир.

Мулоқот чоғида томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги парламентлараро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан фикр алмашди. Меҳмонлар Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси фаолияти билан танишди.

Шу куни Кувайт парламенти делегацияси аъзолари Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси С.Сафоев билан ҳам музокаралар ўтказди.

(ЎзА)

ЎзХДП фаолияти

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни фракция раиси Аслиддин РУСТАМОВ олиб борди.

Фракция аъзолари дастлаб «Уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бўйича келишув комиссияси тўғрисидаги масалани муҳокама этдилар. Ушбу қонун шу йилнинг 26 августида Олий Мажлис Сенати томонидан рад этилган эди. Шу сабабли, Сенат томонидан мазкур қонун бўйича юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш юзасидан келишув комиссияси тузиш тўғрисида таклиф киритилган. Йиғилишда бу ҳақда фракция аъзоси, қўйи палатанинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нурдинжон Исмоилов ахборот берди.

Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 160-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам 2005 йил 26 августда Олий Мажлис Сенати томонидан рад этилган эди. Қонунни қўйи палата депутатлари муҳокамасига киритган Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси мазкур масалани чуқур ўрганиб чиқиб, уни қайта кўриб чиқмаслик таклифини киритди. Фракция аъзолари мазкур масалани муҳокама этиб, қўмитанинг таклифини маъқулладилар.

Йиғилишда булардан ташқари «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартишлар киритиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларига оид айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги (биринчи ўқиш) масала кўриб чиқилди (Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги «Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги ҳамда 2005 йил 4 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг номини ўзгартириш тўғрисида»ги Фармонлари ва 2005 йил 2 майдаги «Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинганлиги муносабати билан тайёрланган.) Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонининг биринчи бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги этиб қайта ташкил этилган эди. Шунга асосан депутатлар эътиборига «Баъзи давлат бошқарув органларининг қайта ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги (биринчи ўқиш) қонун лойиҳаси ҳавола этилди. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (биринчи ўқиш), «Ҳакамлар судлари тўғрисида» (биринчи ўқиш), «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» (биринчи ўқиш) Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳалари ҳақидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди. Улар юзасидан депутатлар Анатолий Козлов, Изидор Кочмарик, Латиф Ғуломов, Нўъмонжон Аҳмаджонов, Шарбат Абдуллаева, Фахриддин Ражабов, Анвар Шукуров ва бошқалар сўзга чиқиб, мазкур қонунлар лойиҳаларидан айримларига Ўзбекистон ХДП электорати манфаатларидан келиб чиқадиган таклифларини билдирдилар.

Фракция йиғилишида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2005 йил биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ижроси тўғрисидаги масала ҳам депутатлар эътиборига ҳавола этилди.

Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан фракция нуқтаи назари белгилаб олинди.

Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Экспорт — мамлакат таянчи

КОРХОНА ЖАҲОНГА ЧИҚМОҚДА

Хонободдаги «Андижонкабель» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасида шу йилнинг ўтган даврида 7 миллиард сўмлик атрофида маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ялпи маҳсулотнинг 90 фоизидан зиёди Россия, Қозоғистон, Туркманистон давлатларига экспорт қилинди.

Яхши ният ва изланиш ҳаракатга ҳамоҳанг бўлса режанинг рўёбга чиқиши тезлашади, дегани шу. Корхонада янги технологияларни жорий этиш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Германиядан келтирилган сим толаларини эшиб берувчи «СРРМ» русумли дастгоҳ шу йил бошидаёқ ишга туширилди ва натижада бу ерда маҳсулотнинг янги турини ишлаб чиқариш имкони туғилди: «П — 274 — М-50» русумли кабель симлари тайёрлана бошланди. Ҳозир ойига 1,5 минг километр узунликда эшилган кабель симлари ишлаб чиқариляпти.

Яна бир янгилик: магистрал кабелларнинг ток ўтказувчи толаларини эшувчи «СЧЗ» дастгоҳи Россиядан келтирилди. Пировардида, магистрал кабелларни тайёрлаш ҳажми ва сифати ошди.

Бугунги кунда корхонанинг бўш турган қисмида йирик мис симларни ишлаб чиқарувчи агрегат ўрнатиш учун тайёргарлик ишлари кетаяпти. У Финляндиядан келтирилиб, тезда монтаж қилиниши кўзда тутилган. Ҳозир корхонанинг 4 нафар ёш мутахассиси у ерга бориб, малака оширишга тайёргарлик кўрмоқдалар.

— Халқаро «ИСО-9001» стандартини ҳам жорий қиляпмиз, — дейди **қўшма корхонанинг техник назорат бўлими бошлиғи Анваржон Аҳмедов.** — Бу — келгусида бизнинг дунё бозорига чиқиш ва ўз маҳсулотларимизни сотиш имкониятларимизни янада кенгайтиради...

Хуллас, «Андижонкабель» жаҳонга чиқмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: ишчи Дониёрбек Муррабдазов; корхонанинг ўровчи ишчилари Дилбархон Қурбонова ва Кароматхон Йўлдошева.

Азаматжон ТОШМАТОВ олган суратлар.

ЎзХДП: ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Сергели туман кенгаши Корейс маданияти маркази билан ҳамкорликда 21-мусиқа мактабида маданий тадбир ўтказди. Мустақилликнинг 14 йиллигига бағишланган ушбу тадбир қизиқарли концерт дастури билан якунланди, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига кийим-кечак ва совғалар улашилди.

Бухоро вилоят кенгаши мамлакатимиз мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида давлат мукофотларига сазовор бўлган бир гуруҳ партия фаоллари билан учрашув уюштирди. ХДП вилоят кенгаши раиси Ж.Нуруллаев Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг мукофотланганларга йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Худди шундай тадбир **Тошкент шаҳар кенгашида** ҳам бўлиб ўтди. Унда Ватаннинг юксак мукофотларига сазовор бўлган партиядошларни шаҳар кенгаши раисининг ўринбосари Ш.Файзиев муборакбод этди. Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона бўлим мудири Любовь Горбунова Юртбошимизга миннатдорчилик билдирди.

Марҳамат туман кенгаши туман ижтимоий таъминот бўлими билан ҳамкорликда «Ўзбек халқи ҳеч кимга ҳеч қачон қарам бўлмайди!» мавзуида тадбир ўтказди. Унда шу йил Андижон шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлар қаттиқ қораланиб, аҳоли огоҳликка, ҳушёрликка яна бир бор даъват этилди.

Урганч туман кенгаши туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда маҳалла оқсоқолларининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчилари, шифокорлар, тарбиячилар учун семинар-кенгаш ўтказди. Тадбирда аёлларнинг ижтимоий ҳуқуқини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаоллигини ошириш, партиянинг янги Дастурини рўёбга чиқаришда аёлларнинг роли масалалари муҳокама этилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK —
aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

Жиноят ва жазо

ТАВБА-ТАЗАРРУ ВА ШУБҲАЛАР ВАСВАСАСИ

АНДИЖОНДА СОДИР ЭТИЛГАН ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТЛАРИНИНГ ЭНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИЛАРИДАН ҲИСОБЛАНГАН 15 НАФАР АЙБЛАНУВЧИ УСТИДАН СУД ЖАРАЁНИ ДАВОМ ЭТМОҚДА. ИККИ КУНЛИК ТАНАФФУСДАН СЎНГ КЕЧА НАВБАТДАГИ СУДЛАНУВЧИЛАР КЎРСАТМАЛАРИ ТИНГЛАНДИ

Илгари хабар берганимиздек, судда жабрланувчи ва гувоҳлардан ташқари маҳаллий ва чет эл журналистлари, халқаро ташкилотлар ҳамда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этишмоқда. Ушбу суд жараёни учун Олий суднинг энг катта зали ажратилганига қарамай журналистларнинг ҳаммасини ҳам суд залига сиғдиришнинг имкони бўлмади. Шу боис радио ва газета мухбирлари катта телеэкран ўрнатилган, алоҳида хонада суд жараёнини тўғридан-тўғри кузатишмоқда.

Суд жараёнида судланувчиларнинг барча қонуний ҳуқуқлари, жумладан, ҳимоя ҳуқуқи тўла таъминлангани ҳолда давом этаётганига қарамай турли эътирозлар, иддаолар бошланди. Касби-кори, вазифаси ноаниқ, эл орасида бирор хайрли иши, яхшилиги, ташаббуси билан номи чиқмаган, аммо ўзларини «инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари» ҳисобловчилар «судни очиқ дейишаяпти, унда нега мени судга киритишмади?», дея айюҳаннос солишмоқда. Бундан кўзланган мақсад шуки, гўё ҳақиқатни яшириш учун судга имкон қадар кам одам киритилмоқда. Аслида шундаймикин?

Ушбу даъво қай даражада асосли ёки асоссизлигига ишонч ҳосил қилиш учун бир мулоҳаза юритайлик. Андижонда бўлган фожиа бутун халқимизни ларзага солди. Ўша вахшийликларни содир этганликда айбланаётганлар кўзига тик қарашни, уларнинг гап-сўзларини ўз қулоғи билан эшитишни хоҳловчилар миллион-миллион. Демак, мазкур суд жараёнида иштирок этишни истовчилар кўплиги табиий ҳол. Аммо, Олий суд биносига ҳаммани сиғдириш мумкин эмаслиги ҳам ҳақиқат. Бундай пайтларда ҳар бир ОАВ, халқаро ташкилотлардан маълум миқдордаги вакилларгагина судда қатнашишга имконият яратилиб берилади. Суд очиқликка очиқ, юзлаб одамлар қатнашмоқда. Аммо, тартиб-интизомни сақлаш ташкил этилмаса, суд жараёнида иштирок этаётганлар хавфсизлиги таъминланмаса, нима бўлади? Бирор нохуш воқеа содир этилмаслигига ким кафолат беради? Худо кўрсатмасин, агар бирорта одамнинг бурни қонагудек бўлса, яна ўшаларнинг ўзи «ҳукумат кучлари тартибни сақлашга ожизлик қилади», дея дунёни бузишади, айбдорларни ахтаришади. Бундай катта, шов-шувли жиноий ишлар судда кўрилаётганда қайси мамлакатда эшикларни катта очиб, хоҳлаган кириб чиқаверсин дейди? Агар шундай қилинадиган бўлса, ҳозирги суд жараёнини ўз кўзи билан кўришга қизиқадиган минг-минглаб одамлар тўпланиши, ур-сур бошланиши, бу қандай оқибатларга олиб келишини англаш шунчалик мушкулми? Ёки мақсад ҳар нарсадан нуқсон ахтаришми?

Тўғриси, айрим хорижий матбуотда, Интернет сайтларида тарқатилаётган маълумотларни кўриб, гап қандай воқеа устида кетаётганини айрим шоввозлар унутиб қўйишаяпти шекилли, деган хаёлга борасан киши. Ёки бировнинг бошига тушган қулфат атрофида ўйин қилиб, шов-шув кўтариб кимдир ном чиқармоқчи, кимдир мўмай қалам ҳақи олмоқчи, кимдир ўз манфаати йўлида фойдаланиб қолмоқчими? Эҳтимол, қайсидир кучлар воқеа ривожини бошдан охиригача назорат остига олиб, ўз измига йўналтириб туришга ҳаракат қилаётгандир. Агар бу саволлар ноўрин бўлса, нега оғирлик, босиқлик билан ўйлаб, ҳалок бўлган бегуноҳ инсонлар хотираси олдида масъулиятни ҳис этиб, одамгарчилик тамойилига амал қилиб гапирилмаяпти? Нега уялмай-нетмай оғизга келганини вайсашмоқда? Андижонда алақандай спектакль ёки театрлашган шоу бўлгани йўқку, унга ҳиринглаб юзаки муносабат билдирилса. Жондан азиз фарзандидан ажралиб, юрак-бағри тилкапора бўлган ота-она дарди, етим қолган болалар тақдири, ўз ватанларидан, қариндош-уруғларидан ажралиб, ўзга мамлакатларда дарбадар бўлиб қолганлар қисмати билан ўйнашиб бўладими?

«Ёлғоннинг умри қисқа», деган ҳикматли сўз бор. Ҳар қанча қоғозга ўрамайлик, бўямайлик асоссиз даъвонинг, ёлғон гапнинг барибир миси чиқади. Асоссиз ғоя ҳеч қачон яшаб кетолмаганидек, ёлғон ҳам ҳақиқатга айланаолмайди.

Интернетнинг NEWSru.com сайти муаллифлари Андижонда нима воқеа бўлганини ҳамон англаб етмаган кўринишади. Ким билади, эҳтимол атайлаб шундай йўл тутишаётгандир. Мазкур сайтда суд жараёни ҳақида шундай сўзлар бор: **«... 13 майда Андижонда... 100 нафарга яқин киши шаҳарнинг марказий районларини ўз назорати остига олган эди. Бу гуруҳ маҳаллий маъмурият биносини қўлга олган ва ислом экстремизмида айбланаётган... 23 нафар тадбиркорни озодликка чиқариш учун қамоқхона эшигини очганди. Армия ва полиция кўзғолон пайтида марказий майдонда тўпланган намойишчиларни ўққа тутди...»**

Буларни ўқиб инсоф борми ўзи, лўттибозлик ҳам эви билан-да, деб юборгинг келади. Ўзбекистон ўз Конституцияси, Қонунларига эга ҳуқуқий-демократик йўлдан бораётган мамлакат. Нега энди «100 нафарга яқин киши» шаҳардаги марказий районларни назорат остига ёки маъмурият биносини эгаллаб олиши керак? Суд ҳукми билан қамоқда ётган жиноятчиларни нега ўзбошимчалик билан чиқариб юбориши керак? Қолаверса, улар «дарвозани очишгани» йўқ, қамоқхонага ҳужум қилиб, дарвозани юк машинаси билан бузиб кириб, хизмат вазифасини ўтаб турган ички ишлар ходимларини ўлдиришганини судланувчиларнинг ўзлари далиллар билан гапиришяпти.

Ўша 23 «тадбиркор» қаторида қамоқда ўтирган, Муҳаммадқодир ОРТИҚОВ кўрсатмасидан:

— Мен қамоқхонада эдим. 83-камерада эдим. 12 май тунда ғала-ғовур бошланди. Шу вақтда қамоқхона ташқарисида ўқ овози эшитилди. Камерада «Акромийлар»дан бир ўзим эдим. Ходиев Илҳом қўлида лом билан бизнинг камерамизни очишга тушди. Биз ҳам темир стол билан камера ичидаги 8 киши эшикни урдик. Эшик очилиб кетди. Қамоқхона ташқарисига чиқдик. Қарасак барча камералар эшиклари ҳам бузиб очилган эди. Мен бу ерда Турдиев Бахтиёр, Ибрагимов Абдумажидлар, Хожиев Илҳомларни кўрдим. Улар қўлида автомат билан юришарди. Кўришдик. Барчамиз турмахона ҳовлисига чиқдик. Тахминан 60-70 нафар атрофида «Акромийлар» оқими аъзолари бор эди. Барчасининг қўлида қурол бор эди.

Чиқиб кетаётганимизда 2 та милиция ходими ҳалок бўлиб ётганлигини кўрдим. Шу ерда биродарларимиздан Собиров Мўйдин акани, Абдусаломни, Дилшодбекни, Ҳокимхонларни кўрдим. Мен оқ «Дамас»га чиқдим. Биз тўғри ҳокимият биносига келдик. У ерга етиб борганимизда тахминан 150 га яқин биродарлар қуролланган ҳолда бино ичкарисида ва ташқарисида туришарди. Шунда ичкарида милиция ходимлари ўлиб ётганлигини кўрдим...

Айрим чет эл матбуотида, Интернет сайтларида «кўзғолончилар», «тинч намойишчилар», «тадбиркор»лар деб аталаётганларнинг асл мақсади нима бўлган? Бу ҳақда судланувчилар нима дейди?

Судланувчи Азизбек ЮСУПОВ («Акромийлар» оқимида разведка гуруҳи бошлиғи):

— Журналистларнинг ўзгартирувчи фикрига асосланиб... Қирғизистонга ўхшаб Ўзбекистоннинг бошига шунақа кунни солмасак бўлмайди, Андижонда шундай ҳолатни юзага келтиришимиз керакки, авваламбор, шу суд залидагиларни озод қилиб ва турмадаги маҳкум маҳбусларни озод қилиб, қурол омборидаги қуролларни олиб қуролланиб, Ўзбекистон миқёсидан Андижонни... ажратиб олишимиз керак, деб ўйладик. Суд процесси бўлаётган пайтда шу хорижий оммавий ахборот воситалари мухбирлари келиб, суд қатнашчиларига, пикет уюштираётган одамларга «Мана Грузия, Украина, Қирғизистондан намуна олсаларингиз бўлмайдими, бунақа қилиб саф тортиб тургандан кўра кўзғалинглар, ибрат олинглар» деди.

Судланувчи **Муҳаммадқодир ОРТИҚОВ** кўрсатмасидан яна бир мисол:

— Мен 2005 йил 13 майда бўлиб ўтган воқеалар юзасидан кўрсатма беришдан олдин бош эгиб, чуқур таъзия билдираман. Иложи бўлса таъзиямни қабул қилинглар...

1994 йил Акром Йўлдошев томонидан халифалик давлати тузиш режаси тузилади. Мақсадини рўёбга чиқариш учун «Имонга йўл» деган 12 дарсдан иборат қўлланма чоп этилган.

Бу давлатни дастлаб Фарғона водийсида тузишни, кейин бутун дунёга тарқатишни режалаштиради. Халифалик бошқарувини амалга ошириш асосий мақсадимиз бўлган. Биз бу мақсадларимизга эришиш учун авваламбор фуқароларга холис моддий ёрдам кўрсатиш билан уларни иқтисодий жиҳатдан ўзимизга қарам қилиб олиб, ўз сафларимизни кенгайтириб борганмиз. Уларни «Акромий» диний экстремистик ташкилотига аъзо бўлишини таъминлаш учун оқимда руҳий масъул ҳисобланган Йўлдошев Акром ака 9-12 кишидан иборат ҳалқалар ташкил қилган. Дастлаб ижодий ҳалқа тизими ташкил қилинган. Мен ўша нарсаларни эшитиб ўзим ихтиёрий аъзо бўлганман.

Ислом экстремизми билан айбланиб, қамоққа олинган «23 нафар тадбиркор» деган сафсата тўғрисида ҳам судланувчилар ўз кўргазмаларини беришмоқда. Уларнинг айтишларича, судланувчиларнинг кўпчилиги «Акромийлар»га қарашли новвойхона, дўкон ёки устахоналарда ишлаб, топган даромадларининг маълум қисмини «Акромийлар» хазинасига топшириб келишган.

Судланувчи Ҳусанжон Туробовнинг кўрсатма беришича, Андижон воқеасидан тўрт-беш кун олдин Тошкент, Қўқон ва бошқа жойлардан «Акромийлар» ҳалқасига тегишли одамлар чақиртирилган, уларга «23 нафар биродаримиз суди бошланадиган куни ҳамма бир хил қора костюм-шим кийиб, суд биноси олдида пикет уюштириши кераклиги тўғрисида кўрсатма берилган. «Ўзимизни тадбиркор қилиб кўрсатишимиз керак эди» дейди у.

Интернет сайтларини ўз афсонавий гаплари билан тўлдириб бораётганлар, Андижон воқеаси бўйича дунёни чалғитишга зўр бераётганларни бутун диққат-этибори судланувчиларга тазйиқ бўлдими, йўқми деган саволга қаратилган. Андижон воқеасида ҳалок бўлганлар учун эса фақат ҳукумат кучлари айбдор, деган ақидани жамоатчиликка сингдиришга уриниб келишмоқда. Негадир масаланинг иккинчи томони уларни сира қизиқтирмайди. Аввало, бу фожиани ким уюштирди, кимлар қурол кўтариб кўчага чиқди, қон тўкишни ким бошлади? «Кўзғолончилар» қурол кўтариб кўчага чиқса майли, биноларни, машиналарни ёқиб юборишса, одамларни гаровга олишса, вахшиёна қийнаб, отиб ташлашса майлию, ўз хизмат вазифасини ўтаб турган ички ишлар ходимлари ёки ҳарбийлар уларга қаршилик кўрсатса мумкин эмасми?

«Тинч намойишчи»лар содир этган террорчилик ҳаракатлари демократия ва инсон ҳуқуқлари тамойилларига тўғри келади-ю эл-юрт осойишталигини, Конституциявий тузумни ҳимоя этиб турган кучлар ўз вазифасини бажарса демократия қоидаларига зид бўладими? «Инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари» нега террорчилар оила аъзолари гапларини эшитишади-ю, террорчилар қўли билан ўлдирилган бегуноҳ одамлар ота-онаси, фарзандлари дардини тинглашни, ҳис этишни исташмайди? Бундай бир томонламалик ортида маълум мақсадлар бор, албатта. Ким-кимни нима учун ҳимоя этаётганини воқеалар жараёнининг ўзи кўрсатиб турибди.

Би-Би-Си ва «Озодлик» радиолари эшиттиришларида «айбланувчилар айбига иқрор бўлишди, чунки уларга тазйиқ ўтказилган», деган мантиққа зид даъволар билан чиқишлар кўпаймоқда. Олдинига террорчиларни «диндорлар», «тадбиркорлар», «тинч намойишчилар» деб жар солишди. Энди эса судланувчилар ўз айбларини бўйниларига олабошлашгач, «демократ»лар яна янги дийдиёни бошлашди. Гўё айбланувчилар тергов пайтида қийноққа солинган. Қизиқ, на иссиққа, на совуққа кўнишади булар. Қолаверса, улар Жиноят-процессуал кодексидан унчалик хабардор эмасга ўхшайди. Ахир айбланувчи айбига иқрор бўлди, дегани унинг жиноятини тасдиқланди дегани эмас-ку. Айбланувчининг айбдорлиги ашёвий далиллар, жабрланувчи ва гувоҳлар кўрсатмалари асосида исботини топиши зарур.

Би-Би-Сининг 23 сентябрь куни рус тилидаги эшиттиришида шундай дейилди: «Судланувчилар... ҳуқуқ ҳимоячиларининг уларнинг ўз айбларига иқрорликлари қийноқ ёрдамида олинган, деган даъволарини инкор қилишди. Суд жараёнининг учинчи куни айбланувчилардан бири ҳибсда у билан жуда яхши муносабатда бўлишганидан ҳайратга тушганини айтди».

Шу радионинг ўзбек тилидаги бир эшиттиришида ўзини «инсон ҳуқуқлари фаоллари»дан ҳисоблаган шахс судланувчилар ўз айбларига қийноқлар остида иқрор бўлишганини даъво қилган. Мухбирнинг «Сизда бу даъволарни асословчи далиллар борми?» деган саволига у «Албатта, мана, мисол учун биз Андижонда бўлиб, бир неча судланувчиларнинг яқинлари ёки қариндошлари билан гаплашдик. Уларнинг ҳаммалари қўрқувда. Демак, биз кўпгина андижонликлар билан учрашганимизда, улар ҳаттоки фактлар юзасидан гапиришга қўрқишяпти».

Ана жавоб, ана исбот. «Судланувчилар қийноққа солинган» деган даъвони айтишга булар асос бўла оладими?

Судланувчилар бераётган кўрсатмаларга улар нега ишончсиз қарашмоқда? Нега бу гаплар уларга хуш ёқмаяпти? Тўғриси, ўзларига ўзлари турли номларни қўйиб олган «инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари» судланувчилардан бутунлай бошқа гапларни кутишгани сир эмас.

Судланувчилар гапларидан эса улар бу йўлга адашиб кириб қолганликлари, ўз хатоларини англаб етганлари, қилган жиноятларидан пушаймонликлари сезилиб турибди.

Судьянинг «Тергов жараёнида сиздан мажбурлаб кўрсатма олиш ҳоллари бўлдими?», деган саволига **судланувчи Азизбек Юсупов** берган жавобга эътибор қилайлик:

— Қамалганингиздан кейин шундай азоб-уқубатда сўроқ-сўровлар бўладики, сизлар буни билмайсизлар, буни қамоқда ўтириб чиққанлар билади, деб бизни шунга ишонтиришган эди. Лекин биз шундай террорчилик ҳаракатларни содир этишимизга қарамасдан, бизга ҳеч қандай азоблар берилгани йўқ. Бу кўрсатмаларимни ўз ихтиёрим билан бераяпман.

Вазиятдан фойдаланиб, мен Ўзбекистон Президентидан, ўзбек халқидан, айниқса андижонлик ҳамшаҳарларимдан, жабр чеккан оилалардан, уларнинг қариндош-уруғларидан, бизнинг қўлимиздан ҳалок бўлганлар яқинларидан чуқур кечирим сўрайман ва қилган ишларимдан пушаймонлигимни айтмоқчиман, мени кечиринглар...

«Немецкая волна»нинг (Бонн) 26 сентябрда бўлган рус тилидаги эшиттиришида ҳам судланувчилар ўз айбларига иқрор бўлаётганларини жисмоний қийноқларга боғлайди ва Ўзбекистон тергов изоляторларида қийноққа солиш доимий ҳолга айланган дейди. Бу етмагандек, аллақандай даҳшатли қийноқлар тўғрисида башоратларни ҳаммадан ошириб юборади. Қизиқ, кеча Ўзбекистон ҳукумати, Ташқи ишлар вазирлиги, прокуратураси, матбуотига ишончсизлик билдирганлар бугун судга, ҳатто судланувчиларнинг сўзларига ҳам шубҳа-гумон билан қарашмоқда. Уларнинг бу хатти-ҳаракатлари ўзлари тўқиб дунёга тарқатган бўҳтонлар тасдиқланмай қолишидан безовта бўлаётганликларини билдирмайдими?

Сафар ОСТОНОВ

ЎзХДП УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ, СИЗНИНГ ПОЗИЦИЯНГИЗ ҚАНДАЙ?

МЕН НЕГА ХДПни ТАНЛАДИМ?

Кишида ихтиёрийлик тушунчаси, бошлаётган, бажараётган ишига розилик кўникмаси, чин кўнгилдан ёндашиш устун бўлмаса мақсади узоққа чўзилмайди. Худди шундай сиёсий партияга аъзо бўлишда ҳам ўша ихтиёрий мойиллик, хоҳиш-ирода, шахсий истак биринчи ўринда туради. Ҳеч кимни алдаб-авраб бирор бир партияга етаклаб бўлмайди. Жумладан, ЎзХДПга ҳам. Яқинда сафимизга янги қўшилган навоийлик бир гуруҳ партиядошлар билан мулоқотда бўлдик. Саволжавоблар шуни кўрсатдики, уларнинг бирортаси адашиб бу партияга кириб қолмаган.

— Биласизми, мен нега Ўзбекистон Халқ демократик партиясини танладим, — дейди Навоий Кончилик институти талабаси Алибек Ҳайитов. — Чунки, мазкур партия сўл сиёсий қарашларни илгари сураяпти. Партиянинг бутун мазмунмоҳияти халқпарварлик билан уйғун. Яна бир муҳим жиҳати у мустақиллик билан тенгдош. Шундай экан, ХДПда тўпланган тажриба, изчил хатти-ҳаракатлар одамлар билан партиянинг жуда яқинлигини таъминлайди. Демак, партиямиз сиёсий кучлар орасида ўзига хос салоҳиятга эга. Шунинг учун ҳам шу партияга аъзо бўлишга қарор қилдим.

— Чинакам демократик тамойилга асосланган мамлакатда ғурур, келажакка бўлган қатъий ишонч устувор бўлмоғи лозим, — дейди Навбаҳор тумани хотин-қизлар қўмитаси етакчи мутахассиси Юлдузхон Жумаева. — Менинг қўлимдан ҳеч ким ХДПга кир, деб етаклагани йўқ. ЎзХДПнинг шу йил 2 июлдаги V қурултойи материаллари ҳамда партиянинг янги қабул қилинган Дастури билан танишиб билдимки, ўрним худди шу сўллар партиясида экан. Ҳеч иккиланмай унга аъзо бўлдим. Айни пайтда ХДП туман кенгаши ишларида, тадбирларида фаол қатнашишга ҳаракат қиляпман. Мақсадим битта. У ҳам бўлса, ХДП аъзоси сифатида партиямизни — Ўзбекистонда етакчи сиёсий куч сифатида кўриш.

— Назаримда, Андижондаги воқеаларга, у ёки бу диний оқимларга кўр-кўрона қўшилиб қолган тенгдошларимиз ҳам бор, — дейди Кармана касб-ҳунар коллежи талабаси Санжарбек Ҳайдаров. — Чунки, ҳозир баъзи ёшларимизда бирор бир ҳунар эгаси бўлишга ёки ёшликда мукаммал билим олиб, Ватан учун чинакам меҳнат қилиш учун қатъият, ғурур етишмайди. Кўп ҳолларда мен тенгилар оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юриб, ота-она ҳисобидан кун кечираётганларни ҳам учратиш мумкин. Мен ўз ихтиёрим билан коллежга ўқишга кирдим ва халқчил, ўз ўрнида демократик тамойилларга асосланган ХДПга аъзо бўлдим. Бундан фахрланаман.

Ҳа, бу ва шунга ўхшаш фикрларни навоийлик Гулсанам Отамуродова, навбаҳорлик Нажмиддин Шоқулов, карманалик Муҳаммад Ҳожиев, қизилтепалик Комилбек Тешаевдан ҳам эшитдик. Мулоқотлар, суҳбатлар таҳлили шуни кўрсатдики, сафимизда сон эмас, аксинча сифат муҳим ўрин тутмоқда. Партиямиз мақсади, унинг янги Дастури ҳам худди шунга асосланган.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЎҚИТУВЧИ ИЖОДКОР БЎЛИШИ КЕРАК

ДЕЯ ТАЪКИДЛАНДИ ҚЎҚОН ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН УЧРАШУВЛАРДА

Қўқон шаҳрида ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Гулрўҳ Аъзамова, Республика Хотин-қизлар қўмитасининг спорт ишлари бўйича мутахассиси Мухтасар Абдурахмонова иштирокида халқ таълими ва соғлиқни сақлаш соҳалари вакиллари билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Шаҳарнинг қатор мактаблари, халқ таълими бўлимида ўқитувчи ва ўқувчилар билан очиқ мулоқотлар чоғида Г.Аъзамова ҳар бир иштирокчи нималарни орзу қилаётгани, қандай муаммолар уларни қийнаётгани ҳақида дилдан суҳбатлашди. ЎзХДПнинг мамлакат сиёсий кучларининг сўл қаноти, мухолифатдаги партия сифатида олиб бораётган ишлари, асосий электорати бўлмиш ўқитувчи, шифокор, оддий меҳнаткаш, кам таъминланган кишилар, ногиронлар ҳаётини янада фаровон қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ҳақида тўхталди. Бу ишларни амалга ошириш учун нималар қилиш лозимлиги, одамийлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, Ватанга муҳаббат каби муқаддас тушунчалар тўғрисида дил сўзлари айтилди.

Шунингдек, Қўқон давлат педагогика институти стадионида шаҳар шифокорлар спартакиадаси бўлиб ўтди. Унда кўплаб шифокорлар қатнашди. Тадбирда сўзга чиққан Г.Аъзамова партиямиз Дастурида шифокорларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўзда тутилган масалалар ҳақида сўзлаб берди. Шунингдек, шаҳардаги маиший хизмат, автойўл, тиббиёт, нефть ва газ касб-ҳунар коллежлари талаба ва ўқитувчилари билан ҳам қизғин учрашувлар бўлиб ўтди. Иштирокчилар Ўзбекистон ХДП янги Дастури, унда талабалар ва ўқитувчиларнинг манфаатлари қандай ифодаланганлиги ҳамда бошқа кўплаб масалалар билан қизиқдилар. Уларнинг саволларига атрофлича жавоб берилди.

Учрашувларда Қўқон шаҳар ҳокими М.Усмонов, ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси Муҳаммадали Исоқов қатнашдилар.

Зулфияхон ҲОШИМОВА

Анжуман

МДҲ КАРДИОЛОГЛАРИНИНГ V КОНГРЕССИ

Бугун инсоният юрак-томир касалликларидан азият чекмоқда. Бу хасталик ҳатто дунёнинг энг ривожланган давлатларида ҳам тарқалган бўлиб, у одамлар саломатлигига, қолаверса, ҳаётига жиддий хавф солмоқда. Маълумотларга қараганда, бу хасталик Марказий Осиёда Европага нисбатан 2,7 марта ошган. Шунинг учун ҳам ҳар икки йилда МДҲ кардиологлари уюшмаси ўзининг конгрессини ўтказиб, ушбу касалликларни даволаш борасидаги изланишлар, янги услублар, олинган натижалар ва келгуси режаларни муҳокама қилишади.

Куни кеча пойтахтимизда МДҲ кардиологлари уюшмасининг V конгресси ўз ишини бошлади. «Фан ютуқлари халқ саломатлигини муҳофаза қилиш учун» мавзуида ўтаётган ушбу йирик халқаро анжуманда дунёнинг йигирмадан ортиқ давлатидан келган машҳур олим ва мутахассислар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кардиолог ва терапевтлар, кардиожарроҳлар иштирок этмоқда.

Ушбу конгрессдан кўзланган мақсад — МДҲ мамлакатларининг минтақавий шароитларига мос келадиган касалликларни даволаш ва унинг олдини олиш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда изланишларни бир-бирига мувофиқлаштириш, юрак-томир хасталикларини ташҳислаш ва даволашнинг юксак технологик услубларини қўллашга доир тажрибаларни оммалаштиришдир.

Конгресс қатнашчилари 3 кун давомида иккита ялпи ва 11 та бўлим йиғилишларида соҳанинг долзарб муаммоларига доир юздан ортиқ маърузалар тинглайди ҳамда юрак-томир касалликларининг олдини олиш, ташҳислаш ва даволашнинг энг замонавий ютуқлари билан танишадилар.

Конгресснинг очилиш маросимида Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази директори, профессор Равшан Курбонов, соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров, МДҲ кардиологлари уюшмаси фахрий президенти, Нобель мукофоти совриндори, академик Евгений Чазовлар сўзга чиқиб, унинг аҳамияти, нуфузи, қолаверса, мамлакатимизда кардиология соҳасига кўрсатилаётган эътибор ҳақида гапирдилар.

Тадбирнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Рустам Қосимов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

Иқтисодиёт ва ислоҳот

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТАРМОҒИ

ЁКИ «ЎзИ» ЎЗБЕКИСТОН — ИНДОНЕЗИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ «ЎзИ — ҚАРШИ» ФИЛИАЛИДА

Бугунги кунда ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишини кенгайтириш учун шароит яратиш муҳим аҳамият касб этяпти.

Бу борада «ЎзИ» Ўзбекистон — Индонезия қўшма корхонасининг Қарши шаҳридаги филиали жамоаси ибратли ишларни амалга оширмоқда. Бу ерда телекоммуникациянинг жаҳон стандартларига мос, сўнгги ютуқларидан унумли фойдаланишга эътибор қаратилаётир.

Хорижий шериклар билан ҳамкорликда шаҳар телекоммуникациялар тармоғини янгилаш ва ривожлантириш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Яқинда шаҳар марказида иккита «Интернет кафе» қурилиб, ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилингандан буён қарийб икки йил вақт ўтди. Шу вақт ичида иқтисодиёт тармоқлари ва жамиятнинг ахборотни тезкор айирбошлашга, жаҳон ахборот ресурсларига кириб боришга бўлган эҳтиёжини қондириш борасида филиалда анчагина ишлар қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон телекоммуникация тармоғини 2010 йилгача бўлган даврда реконструкция қилиш ва ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори алоқа тизимида туб бурилиш ясади. Бунга қадар телефон хизматининг талаб даражасида эмаслиги кўплаб жойларда бўлгани каби Қашқадарё воҳасининг ҳам муаммосига айланганди. Айниқса, Қарши шаҳрида телефон хизмати борасидаги ишлар ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар кўп эди. Вазирлар Маҳкамасининг қарори бу борадаги чигал масалаларни ечишда муҳим роль ўйнади. Аввало Индонезиянинг «Бакри» компанияси инвестицияси ёрдамида 30-40 йил аввал ўрнатилган эски жиҳозлар замонавий янги телефон станцияларига алмаштирилди. Шаҳар телефон станциялари бирлаштирилиб «ЎзИ — Қарши», деб номланадиган бўлди. Корхона «Ўзбектелеком Интернейшнл» — Ўзбекистон — Индонезия қўшма корхонасининг филиали бўлиб қолди.

Дастлаб 2001 йилнинг май ойида маҳаллий алоқачи мутахассислардан иборат гуруҳ тузилди. Улар Германиянинг «Алкател» фирмаси томонидан олиб келинган 12700 рақамли АТСларни монтаж қилиб, ишга туширишди. Қарши шаҳрида 17,5 километрга оптик-толали кабеллар ётқизилиб, рақамли узатиш тизимларига уланди. Шаҳарнинг Алоқа уйи, 6-, 7- ва «Пахтазор» даҳаларида 2048 рақамга, «Спутник» қўрғонида 1000, «Водник» даҳасида эса 3500 рақамга мўлжалланган электрон АТСлар хизмат кўрсата бошлади. Шаҳар телефон тармоғи 23,5 мингтага ўсди.

Шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувларнинг сифатини яхшилаш мақсадида 2004 йилда Хитой Халқ Республикасининг «Хуавей» фирмасидан келтирилган шаҳарлараро телефон станцияси фойдаланишга топширилди.

Экосайёҳлик

Бугунги кунда жаҳон тажрибаси шуни кўрсатяптики, экосайёҳлик мамлакат тараққиётига катта фойда келтиради. Айтайлик, Словакияга ҳар йили 25 миллион нафар экосайёҳ ташриф буюради. Япониянинг сув ва ботқоқлик тизимларида одамлар дунёнинг турли бурчакларидан келиб дам олишади, Африка қитъасидаги мамлакатларда ҳатто қалин чангалзорларда сайёҳлар учун меҳмонхоналар мавжуд, уларда ҳамма шарт-шароитлар яратилган.

Мамлакатлар экосайёҳликни ривожлантириш орқали иқтисодий фойдадан ташқари аҳоли учун янги иш ўринлари очиш, юртининг сўлим гўшаларини бутун дунёга танитиш, баъзи экологик муаммоларга мутахассис, олимлар эътиборини жалб қилиш ва яна бошқа кўплаб экосайёҳлик йўналишларини кўпайтиришни назарда тутади.

Мамлакатимизда экосайёҳлик энди ривожланиб келяпти. Бинобарин, юртимизда Ғарбий Тянь-Шань, Чотқол-Угом, Нурота — Қизилқум қўриқхонаси, бир нечта миллий боғларимиз, айниқса, очиқ осмон остидаги музейларимиздан бири бўлмиш Сармишсой ёки бошқа кўплаб қадимий, сўлим гўшаларимиз дунё сайёҳларининг эътирофига сазовор бўлиши шубҳасиз.

Маълумки, бутун дунёда «очиқ осмон остидаги музей»лар, яъни табиат қўйнида табиий ҳолатда сақланиб қолган қадимий ёдгорликлар, петроглиф — тошга ўйиб ёзилган ёзув, суратларга қизиқиш катта. Бундай гўшаларимизнинг ҳаммаси ҳам экосайёҳларни қабул қила оладими?

Сармишсойнинг, назаримда, ўзанидан ўтмиш оқади, унда тарихнинг биз билмаган сир-синоати ётади. Уни бежиз «очиқ осмон остидаги тарих музейи» деб аташмайди. Сармиш дарасидаги 20 км. масофада жойлашган тошга ўйилган сурат, битиклар бизни мозийга сайёҳат қилдиради.

Навоий вилояти табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси ўринбосари, биология фанлари номзоди Эшмамат ТОҒАЕВ бизни сой тариҳи билан чуқурроқ таништирди.

САЙЁҲЛИК ШУНЧАКИ САЙР ЭМАС

— Айтинг-чи, нега у Сармишсой деб аталган? Унинг тарихи ва географик жойлашуви қандай?

— Сармиш дараси, Сармиш сойи жойлашган ҳудудда ўтган асрнинг 40-йилларида геологик қидирув экспедициялари уюштирилган, олимлар бу ердан қазилма бойликлар ҳамда олтин конларини топишган. Шунинг учун ҳам маҳаллий аҳоли уни «Олтинтош» деб атайди. Ҳозир эса унинг табиатини софлигича сақлаб қолиш учун барча геологик-қидирув ишлари тўхтатилган.

Сойнинг шимолий қисмида зилол сувли булоқ мавжуд. Манбаларда айтилишича, қадимги туркий халқлар уни «сар-миш», яъни «сув солинадиган меш» деб атаган экан.

Аслида бу сой Қоратоғ тизмасининг жанубий ён бағрида жойлашган. Биламизки, Қоратоғ Зарафшон тоғ тизмасининг бир қисми ҳисобланади. Сой денгиз сатҳидан 708-891 метр баландликдадир.

Сармиш дараси шимолдан жанубга қараб чўзилган. Навоий шаҳридан 30 км. шарқда Навбаҳор туманида жойлашган.

— Қоятошлардаги петроглифлар — ёзувларнинг тарихи-чи?

— Воҳада 100 дан ортиқ ҳар хил тарихий даврларга оид археологик ёдгорликлар — тош даври маконлари, устахоналари, шахталар (палеолит, неолит даврига тааллуқли), қадимги ва ўрта аср қишлоқлари, мозорлар, суғориш иншоотлари қолдиқлари, қоя тошга ўйиб чизилган суратлар бор. Улар тахминан 20 кв.км. ҳудудни ишғол этган. Айниқса, тошга битилган йилнома ва петроглифлар бой маданий меросдир.

Кези келганда, Марказий Осиёдаги ягона ушбу шахталар тарихига тўхталсак. Қоратоғнинг жанубидаги Учтут қишлоғи ҳаробаларида 40 та қудуқ шаклидаги, икки бўлимли, зина билан тушадиган шахталар сақланган бўлиб, улар туйнуклар орқали туташтирилади. Бу қадимда халқимизнинг стратегик тажрибага эгалигидан далолатдир.

Қоя тошларда 4000 дан ортиқ петроглифлар бор, уларнинг ҳар бири ўзига хос воқеа, ҳодисаларни ифодалайди.

Сармишсойдаги кўплаб бошқа археологик ёдгорликлар, афсуски шу пайтгача олимлар томонидан тўлатўкис ўрганилмаган.

— Кўрганимиздай, Сармиш дарасининг «очиқ музей»ида халқимизнинг узоқ ўтмиши мужассам, унинг табиати ранг-баранг. Даранинг экотизимига, тарихий ёдгорликларга хавф солаётган муаммолар борми?

— Дара ҳудудида 650 га яқин ўсимлик турлари бўлса, шундан 27 тури эндем (йўқолиб бораётган) турлардир. Айниқса, астрагалларнинг 35 га яқин тури дунёнинг бошқа ҳудудида учрамайди, ноёб ҳисобланади.

Ҳайвонот дунёси ҳам қадимий бўлиб, Нурота тоғ тизмаси турларига киради. Бу турларнинг гуруҳлари эса Афғон Туркистон тоғлари ва Турон пасттекислигидаги ҳайвонот турларининг аралашувидан ташкил топган.

Афсуски, кейинги пайтда ерлар қишлоқ хўжалиги учун кўп ўзлаштирилди, ҳудудда чорва туёғи ошиб кетди, оқибатда тупроқ деградацияга учраяпти.

— Ҳозирги кунда Сармишсойда сайёҳлик қандай ташкил этилган? Умуман, сайёҳлик маданияти қай аҳволда?

— Бу ер бежиз «очиқ осмон остидаги музей»лар сирасига қўшилмаган. Мутахассис олим ва сайёҳлар учун қоя тошлардаги ёзув ва суратларда ҳамда петроглифларда тасвирланган олис мозийдаги воқеалар катта қизиқиш уйғотиши табиий. Афсуски, ҳудуддаги ўсимлик, ҳайвонот оламига бугунги кунда путур етган, кўп турлар қирилиб кетган, улар фақат қоя тошлардагина муҳрланиб қолган. Сармишсойга ҳар ойда юзлаб сайёҳлар келади. Сайёҳларни йўлбошловчиларимиз вақтинчалик тайёрланган «сўқмоқ»лардан олиб ўтиб, ёдгорликлар билан таништиради.

Афсуски, баъзан якка тартибдаги, қўпол айтганда «ёввойи сайёҳлар» ҳам келади. Улар пала-партиш қояларга чиқишади, петроглифларни қириб, ўйиб, ўз номларини ёзиб кетишади. Бу билан улар маданий меросимизга хавф туғдиришмоқда, ноёб ўсимликларни пайхон этишмоқда, ҳайвонот дунёсига жиддий шикаст етказишмоқда.

Сайёҳлик, дам олиш ҳам инсондан юксак маданиятни, дид, фаросатни, табиатга шафқатни талаб қилади.

Экосайёҳлик шунчаки сайл эмас, у инсоннинг табиатга, ҳайвонот ва ўсимлик оламига бўлган тасаввурини бойитади, кўнглида меҳр-шафқат туйғуларини тарбиялайди.

— Сармишсой экотизимини муҳофазалаш учун қандай чора-тадбирлар кўрилаяпти?

— Вилоят ҳокимининг 1997 йил 21 апрелдаги К-113 сонли қарори билан Сармишсойнинг ноёб экотизимини, тарихий ёдгорликларини сақлаб қолиш мақсадида 5 минг гектар майдонда «Сармиш» миллий боғи ташкил этилди. Мақсад Сармишсойнинг ноёб ландшафтини, флора, фаунасини қўриқлаш, янада бойитиш, тарихий-маданий бойлик — қоя тошлардаги суратларни асраш, илмий изланишлар олиб бориш, экосайёҳликни ривожлантириш ҳамда вилоят табиатини муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар тайёрлашдан иборат.

Икки нафар штатсиз назоратчимиз Сармишсой экотизимини қўриқлайди.

Сармишсой муқаддас қадамжо, сўлим гўша, дилтортар макондир. Аммо ҳали унинг бағрида биз билмаган тарих, сирлари кўп.

Навоий вилояти ва Навбаҳор туман ҳокимлиги томонидан унинг ландшафтини сақлаш устида амалий тадбирлар кўриляпти. Навоий тоғ-металлургия комбинати «очиқ музей»ни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаяпти.

Ҳудудда археолог олимларимиз илмий изланишларни давом эттиришяпти. Ҳозирги кунда археолог ва таъмирловчиларимиз олдида Сармишсой ёдгорликларини чуқур ўрганиш, келажак авлодга бой маданий меросимизни соф ҳолича етказиш учун имкониятлар очиляпти. Шунингдек, олдимизда уни дунё миқёсидаги тарихий масканга айлантирищдай масъулиятли вазифа турибди. Зеро, Сармишсой дунё олимларининг эътиборини тортяпти. Бу ерга Норвегия, Финляндия, Россиядан мутахассислар ташриф буюриб, илмий муаммоларни ечишда ёрдамлашишяпти.

Келгусида, ўйлаймизки, Сармишсой юртимизнинг ва дунёнинг энг гавжум экосайёҳлик марказларидан бирига айланиб қолади.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози»
мухбири





Тафсилот

ЯНГИ ОРЛЕАН ЯНА СУВ ОСТИДА

Мексика қўлтиғи бўйлаб АҚШнинг жанубий қирғоғи томон ҳаракатланган «Рита» тўфонига бешинчи, яъни хавфлиликнинг энг юқори тоифаси берилган эди. «Рита» марказида вужудга келган босим ўлчамлари унинг Атлантика тарихида қайд этилган учинчи энг талофотли табиий офат эканлигини кўрсатганди.

«Рита» шанба куни Техас штати ҳудудларига етиб келди. Тўфоннинг тезлиги соатига 195 дан 160 километргача тушди. Луизиана штатидаги Янги Орлеанда ҳам тўфон туфайли шамол ва ёғингарчилик кучайган эди. Натижада 9 метр баландликдаги сув оқими шаҳарни тошқиндан сақлаб турувчи тўғон устидан оқиб тушиб Янги Орлеанни яна сув остида қолдирди.

Техас ва Луизиана штатлари маъмурияти миллиондан ошиқ одамни турар-жойларидан кўчирди. Улар орасида уч ҳафта олдин «Катрина» тўфонидан омон қолиш учун Янги Орлеан шаҳридан Техас штатининг Хьюстон шаҳрига қочиб ўтган минглаб шахслар бор.

Американинг жанубий штатлари маъмурияти ва фавқулодда вазиятлар хизматлари раҳбарлари ўтган сафарги тўфон улар учун катта сабоқ бўлганини кўрсатиш мақсадида бор кучларини қутқарув ишларига сафарбар этишган. АҚШнинг катталиги бўйича тўртинчи шаҳри бўлмиш Хьюстондаги 4 миллион аҳолининг қанча фоизи шаҳарда қолгани номаълум. Техас яқинидаги қирғоқ бўйлаб автобуслар ёрдамида машинаси йўқ, кам таъминланган оилалар, ногирон ва қариялар хавфсиз ҳудудларга олиб чиқилди. Ҳар эҳтимолга қарши бу ерга сув, озиқ-овқат ва муз жамланди.

Аммо бу сафар тўфон бостириб келмасданоқ фалокат содир бўлди. «Рита»дан қутилиш учун хавфсиз жойга йўл олган автобус қутилмаганда Даллас шаҳри яқинида ёниб кетди. Автобус йўловчиларининг асосий қисми қариялар эди. Ҳукумат ҳалок бўлганлар борлиги ҳақида маълум қилса-да, уларнинг аниқ сони ҳалигача номаълум. Автобусда рўй берган ёнғин туфайли йўл ёпиб қўйилгани учун 2 миллион кишини кўчириш амалиёти янада қийинлашди.

Америка президенти Жорж Буш Техас ва Луизина штатларида фавқулодда ҳолат эълон қилди.

Ҳар сафаргидек, АҚШ оммавий ахборот воситалари Американи безовта қилаётган табиат инжиқларига жавоб топиш учун бошини урмаган тешик қолмади. «Фокс Ньюс» телекомпанияси бу борадаги америкалик метеоролог Скотт Стивенснинг шов-шувли фикрини баён этди. Унинг фикрича, бир неча ҳафта олдин рўй берган «Катрина» тўфони сунъий равишда амалга оширилган. У собиқ Совет иттифоқи давридагидек электромагнит генератор ёрдамида содир этилган бўлиши мумкин, деган башоратни илгари сурди. Стивенснинг шахсий сайтида, «60-70 йилларда собиқ Совет иттифоқида об-ҳавони ўзгартириш технологияси ишлаб чиқилди. Бу технология АҚШга қарши 1976 йилдан ишлатила бошлади», дейилган.

Америкалик олимлар ва экспертлар Стивенснинг бу назариясига ишонишмаяпти.

— Мен 20 йилдан бери тўфонларни кузатиб келаман. «Катрина»нинг сунъий йўлдош орқали олинган суратларида ҳеч қандай ғайриоддий ҳодисани кўрганим йўқ, — дейди тўфонлар бўйича Ғарбий Каролина университети эксперти Роб Янг.

Олим ва экспертлар Америкадаги тўфонлар «мавсумига» нима сабаб бўлаётганини аниқлаш билан овора бўлса, иқтисодчилар табиий офатнинг молиявий зарарларини ҳисоблаб чиқишмоқда. Маълумотга кўра, АҚШ эҳтиёжларини қондираётган ёнилғининг тўртдан бир қисми ишлаб чиқарилаётган Мексика қўлтиғида нефть қазиш 99 фоизга тўхтатиб қўйилди. Cameron Hanover компанияси мутахассиси Питер Бойтелнинг айтишича, бу ҳудуддаги йигирма олтита нефтни қайта ишлаш корхонасидан ўн тўрттаси ёпиб қўйилган. — Нефть керагидан ортиқча, аммо уни қайта ишлаб, бензин ва дизель ёнилғисига айлантириш учун имконият йўқ, — дейди у.

АҚШнинг жанубий штатларида «Рита» тўфони «ташрифи»дан кейин ҳаёт изга туша бошлади. Мамлакатнинг Фавқулодда вазиятлар федерал агентлиги тўфон катта зарар етказгани, аммо у кутилганидан кўра енгилроқ ўтганини таъкидлашмоқда. Бироқ кўчирилган одамларга уйларига қайтиш учун шошмасликни маслаҳат берилди.

«Рита» шу мавсумда Американи безовта қилган тўфонлардан ўн еттинчиси бўлди. 1851 йилдан бери олиб борилаётган кузатишларга кўра, 2005 йил табиий офатларга бой бўлган йиллар рўйхатида тўртинчи ўринни эгаллаган. Бу рўйхатда 1933 йил биринчи ўринда турибди. Ўша йили Америка 21 та тўфонга дучор бўлган эди.

Хуршид РАУПОВ

Намойишларни тўхтатишга даъват

Озарбайжонда мухолифат ва полиция кучлари орасида тўқнашувлар рўй берди. Полициянинг махсус бўлинмаси Бокунинг бош майдонига йўл олган намойишчиларни тўхтатишга уринган.

Тўқнашувлар бошлангач, мухолифат етакчилари ўз тарафдорларини намойишларни тўхтатишга чақирди.

Воқеалар жойидан берилган хабарга кўра, полиция кучлари Жаъфар Жабборли майдонига ўтмоқчи бўлган намойишчиларга қарши куч ишлатган. Юзга яқин одам ҳибсга олинган.

Режалаштирилмаган бу митинг Озарбайжонда сайлов бошланишидан олдин «Озодлик» мухолиф партиялар блоки томонидан уюштирилган тарғибот кампанияси эди.

Мамлакат президенти Илҳом Алиев сайлов очиқ ва эркин ўтишини ваъда қилганига қарамай, мухолиф кучлар бунга ўнча ҳам ишонмаётганликларини билдиришди.

Ҳарбийлар томонидан йўқ қилинди

Ғазо минтақасида Исроил ҳарбийлари томонидан «Ислом жиҳоди» етакчиларидан бири Муҳаммад Шайх ал-Халил ўлдирилди. Исроил ҳарбийлари ўтган йилнинг октябрь ойида ҳам Муҳаммад Шайх ал-Халилни йўқотишга уринишганди. Аммо бу уриниш натижасиз тугаганди.

Ғазо минтақасидаги «Ислом жиҳоди» гуруҳи етакчиси Муҳаммад ал-Ҳинди Муҳаммад Шайх ал-Халил ўлимидан кейин Исроил билан тинчлик ўрнатиш ҳақида гап бўлмаслигини айтди.

Коалиция ҳукумати тузмоқчи

Дастлабки маълумотларга қараганда, Польшада ўтказилган сайловда «Ҳуқуқ ва адолат» консерватив партияси ғалаба қозонди. Партия етакчиси Ярослав Качиньский мамлакатда коалиция ҳукумати шакллантирилиши ҳақида маълум қилди.

Бундан ташқари Качиньский сайловда иккинчи ўринни эгаллаган «Фуқаролар платформаси» ўнг либерал партияси билан музокара олиб боришга тайёр эканини ҳам билдирди. Унинг айтишича, либерал партия вакилларига янги ҳукуматдаги Сейм спикери ва бош вазир ўринбосари лавозимлари таклиф этилади.

Ислоҳот чорраҳаларида

ЭЗГУ УМИДЛАР ИЖОБАТИ

ДЕНОВ ТУМАНИДАГИ «БАҲРИДДИН» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ РАҲБАРИ, «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ СОҲИБИ, «ТАШАББУС-2005» КЎРИК-ТАНЛОВИ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ ҒОЛИБИ БАҲРОМ ДИЛОВНИНГ АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ХАЙРЛИ ИШЛАРИ ХУСУСИДА

Ватанимиз мустақиллигининг бешинчи йили — 1995 йилда «Баҳриддин» фермер хўжалиги ташкил этилди. Рости, қисқа фурсатларда мазкур хўжаликнинг бундай ривожланиб кетишини ҳеч ким хаёлига келтирмаганди.

Йиллар силсиласидаги меҳнат, худа-беҳуда тўғаноқлар, етишмовчилик ва муаммолар секин-аста барҳам топа бошлади. Унга аввалига 50 гектар ер берилди. Чорвачиликка асос солинди. Буёғи ғалла, пахта, озуқа учун емиш...

Вақт ҳакам, Баҳромбой олий маълумотли иқтисодчи эмасми, дастлабки йил чамалаб кўрди — даромад дурустгина бўлибди.

— Мевали дарахт ҳам учтўрт йилда ҳосил беради, — **дейди Баҳром Дилов.** — Шунгача меҳр, парвариш лозим. Дангалини айтсам, 2000 йилгача амалга оширилган ишлар «Баҳриддин»га пойдевор бўлди. Бугун эса юз бош қўй, минг бошдан ортиқ қорамол бор.

...Фермер хўжалиги тасаррафидаги корхонадамиз. Сут ва гўштни қайта ишлаш, макарон цехлари, мойжувоз, тегирмон бир маромда ишлаб турибди.

Баҳром Диловни мустақиллик йиллари кашф этди.

— Бугун биз, тадбиркорлар учун имкониятлар эшиклари очиқ, — дейди у. — Хоҳлаган мамлакат ишбилармони билан ҳамкорлик қилсак бўлади.

...Шу йилнинг баҳор ойларида Миср Араб Республикасида бўлдим. Маҳаллий тадбиркорлар, фермерлар тажрибасини ўргандик. Ўқигандан уққан афзал, дейдилар. Ишонасизми, бизда улардагидан кўра имкониятлар катта экан. Бир мисол айтай: энг унумдор тупроқ — Ўзбекистонда. Иссиқ ўлка ҳам — бизнинг ўлка. Қолаверса, сув, дарё сероб. Бироқ сал эринчоқмиз, холос. Шу нуқсонни енгиб олсак, биз улардан эмас, улар биздан ўрганадиган бўлишади...

— 2003 йилда 150 миллион сўм даромад олгандик, — суҳбатга қўшилди **бош ҳисобчи Алимардон Шукуров.** — Ўтган йили бу кўрсаткич — 380 миллион сўмни ташкил этди. Жорий йилда 420 миллион сўмни чўтлаб турибмиз. Шунда соф фойдамиз 220 миллион сўм бўлади... Уларни спортни ривожлантириш, хайрия тадбирлари ва бошқа эзгу ишларга сарфлаймиз. 2004 йилда кам таъминланган оилаларнинг 40 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди. Тумандаги 1-иқтидорли болалар мактабига 500 минг сўмлик ўқув қуроллари, 81-умумий ўрта таълим мактабига эса 1 миллион сўмлик компьютер жиҳозлари ҳадя этдик. «Аҳмад Турдиев» ҳамда «Боғдод» маҳалласи аҳолисига 6,5 миллион сўмлик иккита артезиан қудуқ қазиб бердик. Ногиронлар жамиятига ёрдам, турли форум ва тадбирларга ҳомийлик... Қолаверса, ҳамқишлоқлари учун янги иш ўринлари яратилди. Соҳа кенгайгани, ривожлангани сари бу борадаги ютуқ ҳам янада бойимоқда.

Ҳа, «Баҳриддин» фермер хўжалиги йил сайин юксалмоқда. Ўтган йили хўжаликда 3 тонна пишлоқ, 2 тонна қаймоқ, 1 тоннадан ортиқроқ сариёғ ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг охиригача 100 тонна сут қайта ишланиши кўзда тутилган. Шунингдек, эл дастурхонига 65-70 тонна колбаса маҳсулотлари етказиб берилди. Қолаверса, 40 тонна ун, 50 тонна зиғир ёғи, 80 тоннага яқин макарон...

— Юз бош асл ҳисори қўйларимиз бор, — давом этади Баҳром ака. — Уларнинг ёшига қараб алоҳида парвариш қиламиз. Боқувга олинганлари уч ёшгача тирик вазнда 145-150 килограммгача тош босади... Бугина эмас, бир кунда 16-18 литргача сут берадиган қорамол ва бир тоннадан ортиқ келадиган новвосларимиз ҳам бор...

...Эл дастурхонини ноз-неъматлар билан тўкин этиш йўлида тинмай изланаётган ва меҳнат қилаётган «Баҳриддин» фермер хўжалиги ишчи-хизматчиларининг орзулари кўп. Яқин йилларда бу ерда терини қайта ишлаш корхонаси ҳам қурилади. Ишчи ўринлари кенгаяди. Насиб этса, дунё бозорига хомашё эмас, кўзни қувнатадиган тайёр маҳсулотлар экспорт қилинади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

ЭЛ ХИЗМАТИДА

АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИБРАТЛИ ИШЛАР ХУСУСИДА

Телекоммуникация тармоқларида белгиланган ислоҳотларни амалга ошириш мақсадида қуйидаги ишлар бажарилди:

Жорий йилнинг 7 ойида барча молиявий кўрсаткичлар ошиғи билан уддаланди. Қарши шаҳридаги аҳоли ва ташкилотларга алоқа хизмати кўрсатиш режаси 106,4 фоизга бажарилди.

2005 йилнинг ўтган ойлари давомида Қарши шаҳрида жойлашган 9 та АТСда жами бўлиб, аҳоли ва ташкилотларга 457 та телефон ўрнатилди ва белгиланган режа 130 фоизга бажарилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 сентябрдаги «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш» тўғрисидаги 452-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ўтган йил 14 октябрдаги 338-сонли буйруғи асосида «ЎзИ — Қарши» филиалида бирмунча ишлар амалга оширилди.

512 рақамга мўлжалланган электрон телефон станциясини сотиб олиш учун 2005 йил 15 апрелда словения давлатининг «ISKRATEL» фирмаси билан шартнома имзоланди. Мамлакатимиз Мустақиллигининг 14 йиллиги нишонланаётган кунларда «Аэропорт қўрғони»га 512 рақамли станция олиб келинди ва монтаж қилиниб, ишга туширилди. Шу станциянинг линия кабел хўжаликларини қуриш учун 3020 п/м. телефон қувурлари, телефон қудуқлари, тарқатув шкафлари қурилди ва ўрнатилди. Магистрал кабеллар тортилди. Станциянинг бошқа мавжуд станциялар билан боғланиши учун 7500 метр шиша толали оптик алоқа кабели ётқизилди ва ободончилик ишлари олиб борилди.

Бу билан корхона ва ташкилотларга, умуман аҳолига замонавий ва сифатли телефон алоқа хизматини кўрсатиш йўлга қўйилди. Аэропорт ҳудудидаги станцияда яна қўшимча 512 рақам ўрнатиш мумкин.

Қарши шаҳрининг 7-кичик туманида жойлашган 227-АТСнинг монтаж сиғими 616 рақамга кенгайтирилди ва бўш сиғимларни ишга туширишу учун дастурда кўрсатилган режа асосида 300 жуфтликка линия кабел хўжаликлари қурилди ва телефонлашмаган 6-, 7- кичик туманлардаги 8 та кўп қаватли уйлардаги аҳолига телефон нуқталари ўрнатилди. 226-АТСдан 1440 м. узунликда ТПП-300х2 русумли кабел тортилиб, тарқатув шкафи ўрнатилди, тармоқ кабелларини тортиш ишлари давом эттирилмоқда.

— Корхонамиз жамоаси айни кунларда қадимий ва навқирон Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига муносиб совғалар тайёрлаш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқда. Айниқса, кейинги йилларда капитал таъмирлаш ишлари авж олдирилди, — дейди биз билан суҳбатда «ЎзИ — Қарши» филиали раҳбари Зоҳид Сатторов. — 8,3 километрлик магистрал, 4,25 км. узунликдаги тармоқ кабелларини капитал таъмирлаш ишлари муддатидан илгари бажариб бўлинди. Бундан ташқари жорий таъмирлаш ишлари ҳам уддаланди. Ҳозиргача 8,1 км.лик магистрал, 22,1 км.лик тармоқ кабелларини жорий таъмирлаш 101 фоизга ошириб бажарилди. Шу йил бошидан буён Қарши — Косон, Қарши — Самарқанд, Жайхўн, Тўмарис, Кўктумбаз, Алишер Навоий, Махтумқули, О.Турсунов ва Ўзбекистон кўчаларидаги магистрал кабелларни таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ҳозирги кунда шаҳар ҳудудида 14 та шаҳарлараро ва халқаро сўзлашув шоҳобчалари ишлаб турибди. Қатор «Интернет кафе»лар фаолият юритяпти.

— Филиалнинг иқтисодий аҳволи қандай? Ташкилот ва муассасалар, аҳоли хизмат ҳақини вақтида тўлаб боришяптими? — сўраймиз раҳбардан.

— Очиғини айтганда, фаолиятимизни кўнгилдагидек давом эттириш йўлида айрим тўсиқлар ҳам борлиги сир эмас. Хизмат учун ҳақ тўлашни айрим мижозларимиз унутиб қўйишяпти. Шу боис, дебитор қарзларни ундириш бўйича махсус гуруҳ тузишга мажбур бўлдик.

Яна бир гап: телекоммуникация иншоотларининг сақланиши бўйича ҳам анчагина ишлар қилишга тўғри келди. Кабелларни ўғирлаб кетиш ҳоллари юз бермаслиги учун доимий эҳтиёткорлик чораларини кўриб бораяпмиз. Қимматбаҳо материаллар ва станция жиҳозлари талон-торож қилинишининг олдини олиш мақсадида АТСларда сигнализация тармоқлари ўрнатилиб, уларга қоровуллар бириктирилган.

Филиал жамоаси эришаётган натижалар қувонарли, албатта. Бу борада малакали, серғайрат ходимларнинг меҳнатини таъкидлаб ўтиш ўринли деб ўйлаймиз. «Алкател S12» станцияси муҳандиси Отабек Ботиров, 227-АТС участка бошлиғи Фурқат Эшмуродов, кросс электромонтёри Муҳаббат Салоҳиддинова, «Спутник» йўлдош шаҳарчасидаги 228-АТС участка бошлиғи Ҳасан Холиқов ва бошқалар шулар жумласидандир.

Мижозларга бундан ҳам яхшироқ алоқа хизмати кўрсатиш уларнинг шиори. Шу маънода 23- ва 25- АТСларни замонавий электрон АТСлар билан алмаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Бундан ташқари телефонлаштирилишини кутиб ётган Каманди, Мағзон, Қўрғонча, Бўстон, Орол, Худойзот маҳаллаларини алоқа билан таъминлаш бўйича таклифлар ўрганиб чиқилмоқда. Ўйлаймизки, бу борадаги ишлар ҳам ижобий якунланади.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбирлари

Анжуман

МУАЛЛИМГА ЭҲТИРОМ — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИГА ЭҲТИРОМ

Республика Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишлаб «Ўқитувчи шахси ва унинг жамият тараққиётидаги ўрни» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди

Ўз-ўзини эл ишига бағишлаган, инсон тарбиясига жон тиккан олижаноб ўқитувчиларни, мўътабар муаллимларни бундан буён ҳам бошимизга кўтарамиз.

Ислом КАРИМОВ

Маърифатга интилган ҳар қандай юрт олдида энг муҳим ва эзгу ишлардан бири сифатида ўқитувчи шахсига, унинг жамиятдаги нуфузини оширишга эътибор қаратиш масаласи туради. Келажак сари ташланаётган ҳар бир қадамнинг самараси шунга боғлиқ. Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ мактабларга, хусусан, ўқитувчи ва мураббийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бутун умрини фарзандлар тарбиясига бағишлаган меҳрибон устозларимизнинг касб нуфузини янада мустаҳкамлаш, уларни жамиятдаги энг обрўли кишиларга айлантириш борасида қилинаётган хайрли ишлар айни пайтда ўз самарасини бера бошлади.

Бугун Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг асосий таркибий қисмларидан бўлган шахс тарбияси, яъни фарзандларимизни комил инсон қилиб тарбиялаш йўналишидаги ислоҳотларни ўқитувчиларсиз тасаввур этиш қийин. Шунинг учун ҳам ҳар йили 1 октябрь мамлакатимизда Ўқитувчилар ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами сифатида нишонланади. Дунёнинг бирор-бир давлати йўқки, ўқитувчилар куни умумхалқ байрами ва дам олиш куни сифатида бутун бир халқ, мамлакат миқёсида тантана қилинса. Бу ҳам Президентимизнинг ўқитувчиларимизга

бўлган юксак эътибор ва ғамхўрлиги намунасидир.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларида 447 минг 129 нафар педагог-ходимлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 294 минг 116 нафари (яъни, 65 фоиз)ни хотин-қизлар ташкил қилади. Очиғини айтиш керак, кейинги пайтда одамлар орасида ўқитувчининг жамиятдаги обрўэътибори, тутган ўрни ҳақида ҳар хил фикрлар билдирилди. Яқин ўртада ўқитувчиликка қизиқиш пасайган йиллар ҳам бўлди. Айримларнинг назарида ўқитувчилик «арзимас» касбга ҳам айланди. Бироқ, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, айниқса, мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури қабул қилингач, одамлардаги мактабга бўлган, ўқитувчилик касбига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Эндиликда чекка қишлоқларимизда ҳам худди шаҳардагидек замонавий мактаб бинолари қад ростлаб, у ерда ўқувчи ва мураббийларимиз учун барча шароитлар муҳайё этилмоқда.

Мана бир йилдирки, мамлакатимизда 2004-2009 йилларга мўлжалланган мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ижросини таъминлаш юзасидан улкан саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бўлиб ўтган матбуот анжуманида **халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам АҲЛИДИНОВ** мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ОАВ ходимларига ахборот берди.

Шу ўринда умуммиллий дастурнинг асосий йўналишларидан бири бўлган мактаб ўқитувчилари меҳнатини рағбатлантириш масаласига ҳам алоҳида тўхталиш лозим. Айтиш керакки, ўтган қисқа вақт мобайнида ҳукуматимиз томонидан мазкур масалага жиддий эътибор берилиб, бу борада Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари қабул қилинди. Улар асосида бутун республикамизда ўқитувчиларга касб маҳорати, ўқув жараёнига қўшган улуши учун 25 фоизгача, тарбиявий ишлар ва синфдан ташқари машғулотлар олиб борганлиги учун 15 фоизгача, умумий ҳисобда 40 фоизгача устамалар белгиланди.

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўтган ўқув йилида 41 фоиз ўқитувчи мазкур қўшимча имтиёздан баҳраманд бўлди. Бу мақсад учун давлат бюджетидан фақат бир йилда 14,5 миллиард сўм маблағ сарфланди. Энди ўйлаб кўринг, умуммиллий дастур қабул қилингунга қадар ўқитувчиларнинг ўртача ойлик маоши 42 минг сўм бўлса, ҳозир бу 76399 сўмни ташкил қилаяпти.

Ўқитувчи-мураббийларнинг жамиятдаги мавқеи тўғрисида гапирганда, бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш керак. Ўзининг бор билими, қалб ҳароратини эзгулик ниҳолларини ундиришга бағишлаган, фарзандларимиз таълим-тарбияси йўлида кечаю-кундуз тиним билмай изланаётган ўқитувчилар меҳнати ҳар қанча олқишланса арзийди. Мамлакатимизда ҳар йили Ўқитувчилар ва мураббийлар куни арафасида ўнлаб, юзлаб ана шундай фидойи ўқитувчиларимиз давлатимизнинг энг нуфузли мукофотлари билан тақдирланиб келинаётгани бу соҳа жонкуярларининг хизматлари муносиб қадрланаётганидан далолат беради.

Ҳозир бутун мамлакатимизда **«Давлат умуммиллий дастури — менинг дастурим»** шиори остида кенг қамровли ишлар амалга оширилаяпти. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кейинги пайтларда фарзандларимиз учун мактаб ва спорт иншоотлари қуриб бераётган саховатпеша юртдошларимиз ҳам кўплаб учрамоқда. Бу йил уларнинг ёрдами билан дастурдан ташқари яна 18 та мактаб қуриб фойдаланишга топширилгани мамлакатимизда таълим-тарбия иши кўпчиликнинг ҳаётий дастурига айланаётганидан далолат беради.

Шунингдек, матбуот анжуманида давлат таълим стандартларига қўйилаётган янгича талаблар, хорижий инвестицияларни соҳага жалб қилиш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, масофавий таълим афзалликлари ҳамда бошқа қатор масалалар юзасидан вазирликдаги тегишли бошқармалар мутасаддиларининг маълумотлари тингланди. Журналистларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтарилди.

Бир сўз билан айтганда, мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида кўплаб салмоқли ишлар амалга ошириляптики, бу жараён мунтазам ёритиляпти, камчиликлар муҳокама қилиниб, тегишли равишда тузатиляпти. Бу ишлар эса таълимнинг такомиллашувига, ижобий ютуқларнинг ошишига, пировардида мамлакат келажаги бўлмиш ёш авлодни маърифатли қилиб тарбиялашда қўл келмоқда.

Матназар ЭЛМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: *матбуот анжуманидан лавҳа.*

Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат

Болалар спорти

Ғиждувон туманидаги «Зарафшон» ширкат хўжалигининг Фиришкент қишлоғида болалар спорти мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Фиришкент қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 23 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Бу ердаги мавжуд 6 та мактабда беш мингдан ортиқ ўқувчи таълим олади. Қишлоқда мазкур мажмуанинг фойдаланишга топширилиши ёшларнинг соғлом ўсиши, чиниқиши учун катта имконият яратди.

Спорт кошонаси тумандаги 209-кўчма механизациялашган корхона қурувчилари томонидан бунёд этилди. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан эса қарийб 200 миллион сўмлик турли спорт анжомлари етказиб берилди.

Суратда: Фиришкент қишлоқ болалар спорти мажуаси ҳаётидан лавҳа.

Собиржон ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

ЙИГИРМАНЧИ ТУРДАН СЎНГ...

Футбол бўйича олий лига жамоалари яна олти турдан сўнг Ўзбекистон XIV миллий чемпионати баҳсларини якунлашади. Ўтказилган йигирманчи тур учрашувларидан кейин бу йилги мавсум медалларига асосий даъвогарлар номи деярли аниқ бўлиб қолди.

Биринчи даврани карвонбоши сифатида ниҳоясига етказган Қаршининг «Насаф» футболчилари сўнгги турларда ўз мухлисларини ранжитди. Қаршиликлар охирги тўрт учрашувнинг фақат биттасидагина ғалаба қозониб, уч ўйинда имкониятни бой берганликлари натижасида «Пахтакор» жамоаси яна пешқадам бўлиб олди. Дастлаб 17-турда «Тўпаланг» (Сариосиё, 2:0), 19-турда эса «Трактор» (Тошкент, 4:2) футболчилари «Насаф»ни мағлубиятга учратди. Шундан сўнг, клуб бош мураббийи украиналик Олег Морозов истеъфога чиқарилиб, унинг ўрнига маҳаллий мутахассис Зоир Тўрақулов иш бошлади. Бироқ охирги турда Тошкентда «Пахтакор» меҳмони бўлган қаршиликлар яна мағлубият аламини тортишди — 2:0. Бу эса «Насаф»нинг олтин медаллар учун курашиш имкониятини пасайтириб юборди.

— Жамоамизда ҳеч қачон бу йилгидек кучли таркиб шакллланмаган эди, — дейди «Насаф» футбол клуби вице-президенти Норқул Даминов. — Шу боис, чемпионатни кўтаринки руҳда бошладик. Аммо сўнгги турларда «Тўпаланг» ва «Пахтакор» жамоалари билан ўтган ўйинлардаги ҳакамларнинг нохолисликлари футболчиларимизга салбий таъсир қилди. Натижада қимматли очколардан маҳрум бўлдик. Энг ачинарлиси, бу чемпион бўлишдек орзумизни яна кечиктириб юборди.

Мавсумнинг бронза медали учун асосий даъвогар Муборакнинг «Машъал» футболчилари сўнгги турда Бекободда «Металлург»га қарши майдонга чиқди. Терма жамоамиз сардори Миржалол Қосимов томонидан киритилган икки тўп меҳмонлар ғалабасини таъминлади — 0:2.

20-турнинг қолган учрашувларида қуйидаги ҳисоблар қайд этилди: «Шўртан» — «Нефтчи» — 3:1, «Самарқанд-Д» — «Трактор» — 0:1, «Бухоро» — «Сўғдиёна» — 1:0, «Тўпаланг» — «Қизилқум» — 1:0, «Локомотив» — «Навбаҳор» — 1:1.

Навбатдаги тур ўйинлари 1 октябрь куни ўтказилади.

Йигирманчи турдан кейинги вазият

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор»	**19**	**15**	**2**	**2**	**58-10**	**47**
2. «Насаф»	**20**	**14**	**2**	**4**	**38-22**	**44**
3. «Машъал»	**20**	**14**	**1**	**5**	**42-21**	**43**
4. «Нефтчи»	20	10	0	10	34-25	30
5. «Навбаҳор»	20	9	2	9	25-22	29
6. «Локомотив»	20	9	2	9	34-32	29
7. «Тўпаланг»	20	9	2	9	29-36	29
8. «Трактор»	20	8	1	11	33-40	25
9. «Қизилқум»	19	7	4	8	23-33	25
10. «Бухоро»	20	8	1	11	31-44	25
11. «Самарқанд-Д»	20	7	3	10	20-24	24
12. «Металлург»	20	7	2	11	25-35	23
13. «Сўғдиёна»	**20**	**5**	**3**	**12**	**11-39**	**18**
14. «Шўртан»	**20**	**4**	**1**	**15**	**17-47**	**13**

«МЕНИНГ УЙИМ, МЕНИНГ ШАҲРИМ»

КЎРИК-ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ

Газетамизнинг 7 июнь сонида «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Тошкент» телеканали, «Ўзбекистон овози» газетаси ва Тошкент шаҳар Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ассоциацияси ҳамкорлигида «Менинг уйим, менинг шаҳрим» кўрик-танлови эълон қилинган эди. Бу танловда пойтахт жамоатчилиги иштирок этди.

Танловнинг асосий мақсади кўп қаватли уйларнинг ҳудудлари, ҳовлиси ва кириш йўлаклари ҳолатини яхшилашга, электр энергия, сув ва газ таъминотини тежамкорлик билан ишлатишга, улар учун тўловлар ўз вақтида тўланишига, ободонлаштириш ишларида аҳоли фаоллигини оширишга йўналтирилган эди. Ушбу йўналишларда ғолиблар аниқланиб, улар «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти ва «Маҳалла» хайрия жамғармасининг диплом ҳамда совғалари билан тақдирландилар. Жумладан, танловнинг «Энг обод ҳовли» номинацияси бўйича Ҳамза тумани «Наврўз» маҳалласидаги Лисунова кўчасида жойлашган $17^а$, $17^б$, $17^в$ уйлари олдидаги ҳовли ғолиб деб топилди. Диплом ва совғалар «Лисунов» ширкати раҳбари Нодир Собировга топширилди.

«Энг намунали подъезд» номинацияси бўйича Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани Амир Темир маҳалласида жойлашган 12-уй йўлаги ғолиб бўлди. Диплом ва совғалар 12-уй ва йўлак бошлиғи Дилбар Мадраҳимовага берилди.

«Энг намунали кўп қаватли уй» номинацияси бўйича Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, «Қорасарой» маҳалласида жойлашган $4^г$-уй ғолибликка эришди. Диплом ва совғалар $4^г$-уй бошлиғи Эркин Агибаевга топширилди.

Экофестиваль ўзбек эстрадаси юлдузлари ва халқимиз орасида танилиб келаётган ёш ижрочилар иштирокидаги концерт билан якунланди.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

КОМПАНИЯ «SHADELA INC.»

сообщает о намерении приобретения простых акций АО «Toshkent shahar yo'l qurilish va ta'mirlash tresti», расположенного по адресу: г. Ташкент, ул. Хамал, 29, в количестве 364 763 штук, что составляет 34% от уставного фонда.

«ЭНГ НАМУНАЛИ ҚВП»

Наманган вилоят театрида «Энг намунали қишлоқ врачлик пункти» кўрик-танловининг ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Анжуманда вилоят ҳокими, республика Олий Мажлиси Сенати аъзоси Икромхон Нажмиддинов тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларни алоҳида таъкидлаб ўтди.

Танлов ҳайъатининг якуний хулосасига кўра, биринчи ўринни қўлга киритган Янгиқўрғон туманидаги «Қайроқи» қишлоқ врачлик пункти жамоасига «Дамас» автомашинаси ва 300 минг сўм пул мукофоти топширилди. 2-3-ўринларни эгаллаган Поп туманидаги «Хўжаобод» ва Норин туманидаги «Хўжаобод» қишлоқ врачлик пункти жамоалари эса замонавий компьютер тўплами ва 200 минг сўм пул, рангли телевизор, плейер, 100 минг сўм пул мукофотлари билан тақдирландилар.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

«AVTOKADR» МЧЖ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2005 йил 28 октябрь куни соат 10.00 да жамиятнинг навбатдаги умумий мажлиси Тошкент шаҳри, Байналмилал кўчаси, 53-уйда ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Avtokadr» масъулияти чекланган жамиятнинг 2005 йил 9 ойлик иш якуни бўйича жамият директорининг ҳисоботи.

2. «Avtokadr» МЧЖнинг Устав жамғармасини ошириш тўғрисида.

3. «Avtokadr» МЧЖнинг тақсимланмаган улуши жойлаштирилиши тўғрисида.

4. «Avtokadr» МЧЖнинг Уставига ўзгартириш киритиш тўғрисида.

5. Бошқа масалалар.

Кузатув кенгаши

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

УМР КУШАНДАСИ

Инсон нега чекади? Қандай қилиб кашандага айланади? Бу иллатдан қутулиш мумкинми? Бир сўз билан айтганда, чекишни ташласа бўладими-йўқми?

Биз ушбу саволга жавоб топиш мақсадида Тошкент шаҳар наркология диспансери шифокори Умида ОБИДОВА билан суҳбатлашдик.

— Инсонда чекишга мойиллик қачон пайдо бўлади? Унинг соғлиққа таъсири, чекишдан келиб чиқадиган касалликлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Психологик нуқтаи назардан олиб қараганда, бугунги кунда ёшларимиз ўзларини олифтароқ кўрсатиш учун сигарет чекишади. Яна бир жиҳати шуки, кўпчилик одамлар чекканда мен ҳам бир икки дона чекиб кўрсам нима қилади, бу билан ўрганиб қоламанми деган фикрга бориб чека бошлайди. Ваҳоланки, чекишга мойиллик ўша вақтдан бошланиб, борабора чекмаса туролмайдиган кашандага айланиб бораётганини ўзи ҳам билмай қолади.

Чекиш инсон организмининг барча аъзоларига салбий таъсирини ўтказмай қўймайди. Биринчи навбатда миядаги хужайралар фаолиятини бирин-кетин ишдан чиқаради. Бунинг оқибатида, тезда асабийлашиш, хотира сусайишига сабаб бўлади. Чекиш энг аввало мияга таъсир этади ҳамда бошқа касалликларни ҳам келтириб чиқаради. Масалан, ўпка раки, қон-томир хасталигига олиб келади. Юракка ўз таъсирини ўтказиб, инфарктни келтириб чиқаради ва гипертония — қон босимининг кўтарилишига сабаб бўлади.

Жисмоний томондан қараганда, чекадиган киши кўпроқ ҳаракат қилса, бирдан ҳолсизланиб, нафас олиши қийинлашади ва дармонсизланиб, қўл-оёқлари қалтирайдиган бўлиб қолади. Чекишнинг энг аянчли жиҳати шуки, мутахассисларнинг фикрига қараганда, сигарет чекадиганлар гиёҳванд бўлиб қолишлари ҳеч гап эмас.

— Аччиқ бўлса-да, ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Бугунги кунда баъзи хотин-қизларимиз, айниқса, оналар ҳам чекишади. Оилада ота-онанинг чекиши фарзандлар руҳиятига қандай таъсир кўрсатади?

— Чиройда тенги йўқ ўзбек аёллари чекишига умуман қаршиман. Баъзи қизларимизнинг кўча-кўйда, автобус бекатларида ёки интернет кафе, ресторан ва ошхоналарда (психологик жиҳатдан қараганда) ўзларини кўрсатиш учун заҳарли модда бўлмиш сигарет чекишини кўриб ич-ичимдан ачиниб кетаман. Танаси заҳарланган аёл, келажакда соғлом, баркамол фарзанд кўриши қийин. Олдимизга гиёҳвандликдан қутилиш учун нажот истаб келадиган беморлар кўпинча бир гапни — олдин сигарет чекиб, кейинчалик гиёҳванд бўлиб қолганини айтишади. Бу зарарли одат иқтисодий томондан ҳам оилани ночор аҳволга олиб келади.

Кўпчилик чекувчилар семириб кетяпман, сигарет чексам озаман, қоматимни бир зайилда ушлаб туришим лозим, деб ўйлайди. Ҳеч қачон сигарет одамни оздирмайди, айниқса, аёлларни. Аёл сигарет чека бошласа биринчи навбатда ўз соғлиғига зиён етказибгина қолмай, ёшига нисбатан анча кексароқ кўринади, латофатини йўқотади. Чеккан аёл ҳомиладор бўлса, фақат заҳри қотил билан озиқланаётган бола асаб касаллиги билан туғилади. Оқибатда онанинг кашандалиги туфайли бегуноҳ фарзанд бир умрга туғма ногирон бўлиб қолади.

Ота-онанинг кашандалиги фарзанд психологиясига ёмон таъсир қилади. Улар ҳам бунга одатланиб қолиши мумкин. Шунинг учун ота-она фарзанди олдида умуман чекмасликлари шарт.

«Қуш уясида кўрганини қилади», деган мақол бор. Мисол учун сигарет чеккан киши тез асабийлашадиган, жаҳли чиққан вақтда кўп чекишини, чекмаса туролмаслигини, танасининг ҳамма организми заифлашиб қолганини ва бир куни келиб шу заҳри қотил туфайли тўсатдан касал бўлиб оламдан ўтишини фарзандларимиз билим оладиган мактаб, лицей, коллеж, университетларда дарс берадиган устозларимиз ҳеч қачон шогирдлари кўз ўнгида чекмаслиги лозимлигини уқтирмоқчиман. Ўсиб келаётган ёшлар устоз ҳам чекаяпти-ку, деб кашандалар дунёсига бемалол кириб боряпти.

Мутахассис сифатида баъзи фикр ва тавсияларимни айтмоқчиман. Аввало, ёш йигит-қизлар таҳсил оладиган илмгоҳлар ҳудудида танаффус вақтида чекишларини чегаралаш, назоратга олиш керак. Хорижда жамоат жойларида: «Бу ерда чекиш ман этилади» деган ёзувни ҳар қадамда учратасиз. Бизда ҳам шундай қилишга фурсат етмадимикин?

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Latif G'ULOMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA'DULLAYEV
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
Email: uzbovozi@sarkor.uz

Navbatchi: Zayniddin MAMADALIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 854
6460 nusxada bosildi
1 — Тижорат материали
O'zA yakuni — 00.15
Topshirish vaqti — 2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda